



## КАПИТАЛ АКТИВЛАРНИ БАҲОЛАШ МОДЕЛИ: НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ



**Худойқулов Х.Х.,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
«Молия ва молиявий технологиялар»  
кафедраси профессори, и.ф.д.

**Аннотация:** Мақолада акциядорлик жамиятларини капиталини баҳолашда капитал активлар ҳисоблаш усулидан фойдаланишинг илмий ва назарий жиҳатлари баён этилган бўлиб, капитални баҳолашнинг даромад ёндашуви асосида акциядорлик жамиятини хусусий капиталга олинган тул оқими учун дисконташ ставкасини аниқлашда капитал активларини ҳисоблаш (CAPM) усулидан фойдаланишига асосий этибор қаратилган. Шунингдек, “Кварц” акциядорик жамиятинининг 2019 йилдан 2023 йилгача бўлган дисконтиланган эркин тул оқимларини ҳамда хусусий капитал қиймати аниқлаган. Бундан ташқари, тадқиқотда дисконтилаган эркин тул оқимларини келажакда акциядорлик жамиятининг соғ фойдаси ва рентабиллигига таъсир даражаси ёритиб берилган. Шу билан бирга, акциядолик жамиятларини капиталини баҳолашда капитал активлар усулидан фойдаланишига қаратилган илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** капитал активлар, капитал қиймат, дисконтиаган тул оқими, соғ фойда, хусусий капитал, рентабеллик.

**Аннотация:** В статье изложены научные и теоретические аспекты использования метода оценки капитальных активов (CAPM) при оценке капитала акционерных обществ. Основное внимание уделено применению данного метода на основе доходного подхода при определении ставки дисконтирования для потоков денежных средств, направленных на собственный капитал акционерного общества. Также в исследовании рассчитаны дисконтированные свободные денежные потоки и стоимость собственного капитала АО «Кварц» за период с 2019 по 2023 годы. Кроме того, в работе раскрывается степень влияния дисконтированных свободных денежных потоков на будущую чистую прибыль и рентабельность акционерного общества. В статье также представлены научные и практические рекомендации по применению метода оценки капитальных активов при оценке капитала акционерных обществ.

**Ключевые слова:** капитальные активы, стоимость капитала, дисконтированный денежный поток, чистая прибыль, собственный капитал, рентабельность.

**Abstract:** The article describes the scientific and theoretical aspects of the use of capital assets in the valuation of joint-stock companies, focusing on the use of capital assets calculation (CAPM) in determining the discount rate for cash flows to equity based on the income approach to capital valuation. It also identified the discounted free cash flows of joint-stock company's "Kvarts"

from 2019 to 2023 and the value of equity capital. Also, the study highlights the extent to which discounted free cash flows affect the future net profit and profitability of the company. The article is that scientific and practical recommendations have been developed for the use of the capital assets method in the valuation of the capital of joint-stock companies.

**Keywords:** capital assets, capital value, discounted cash flow, net profit, equity, profitability.

## Кириш

Ҳозирги кунда молия бозори ривожланиши янги босқичга қўтарилиган бўлиб, бунда мамлакатда амалга оширилаётган бир қатор иқтисодий ислоҳотлар таъсири ижобий бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бўш турган капитални корхоналарга жалб қилиш ҳамда молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқилиши капитал бозоридаги корхоналарнинг молиявий активларни хисобланган акция ва облигациялар бозорининг ривожланишига замин яратилмоқда[1]. Бироқ, Ўзбекистонда капитал бозоридаги корхоналарнинг молиявий активларни баҳолаш ҳамда корхоналарининг капитал қийматини баҳолаш билан боғлиқ муаммолари ҳали ўз илмий ва амалий ечимини тўла равишда топгани йўқ. Бугунги кунда капитал бозорини трансформациялаш шароитида мамлакатимиздаги корхоналарининг капитал қийматини баҳолашни такомиллаштириш тақозо қиласди. Бу эса, ўз навбатида, акциядорлик жамиятин капитали баҳолашда ривожланган мамлакатлар баҳолаш стандартларидан фойдаланишни ҳамда шу билан бирга капитал активлар ҳисоблаш усулидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Капитал бозорини трансформациялаш шароитида капитал активлар ҳисоблаш усулидан фойдаланиш орқали инвестицион портфелдаги активларнинг ҳаракати, уларнинг реал қийматни баҳолаш, корхоналарнинг инвестиция имкониятларини ва дисконтланган пул оқимлари прогнозларини аниқлашга хизмат қиласди. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда корхоналарнинг капитал қийматини баҳолашда капитал активлар ҳисоблаш усулидан деярли фойдаланилмаётганлиги, корхоналарнинг молиявий активларни реал баҳосини, активларидан кутилаётган даромадни, кохонанинг инвестицион портфелидан кутилётган даромадни ҳамда дисконтланган пул оқимлари прогноз қилиш билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги кўрсатади. Бироқ, жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, юкоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун корхонанинг капитал қийматини баҳолашда капитал активлар ҳисоблаш усулидан фойдаланган ҳолда корхонанинг инвестиция имкониятлари, инвестицион портфелидаги активларни бозор қийматини ҳамда корхонанинг чегирмавий пул оқимлари аниқланмоқда.

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Молиявий активларни баҳолаш (CAPM) модели назарияси яратилгандан кейин дунё олимлари томонидан корхона капитал қиймати баҳолаш имкониятлари янада ошиб бормоқда. Шунингдек, молиявий активларни баҳолаш моделини (CAPM) қўллаш имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда, дунё олимлари капитал қийматни баҳолаш бўйича муқобил моделлар ҳам амалиётга жорий қилиниб

бошланди. Таъкидлаш жоизки, Уильям Шарп томонидан яратилган мазкур модел (CAPM) молиявий активларни баҳолаш модели назарияси фаразлари асосида яратилгандир. Унинг фикрига кўра, корхона капитал қийматини аниқлашда рисксиз активлар ҳисобланган (давлат облигациялари ва хазина мажбуриятларидан кутилаётган даромад) ҳисобга олган ҳолда бозор риск учун мукофотни қўшган ҳолда амалга ошириш усулини кўрсатган [2]. Джон Линтнер ҳам молиявий активлар баҳолаш усулида тадқиқотлар олиб бориб, Уильям Шарп томонидан яратилган назарий асосларга бутунлай қўшилган [3]. Уларнинг тадқиқотида тизимли рискни бета коэффициенти белгилаб, ушбу коэффицентга қўйидагича фикр билдирган: Агар  $\beta_i > 1$  бўлса, тизимли риск ўзгарувчан бўлиб агресив қимматли қофоз ҳисобланади,  $\beta_i < 1$  бўлса, ҳимояланган қимматли қофоз ҳисобланади. Ушбу моделда рисксиз активлар даромад ставкасида молиявий активларни қарз олиш фарази мавжуд. [4]. Лекин уларда қиска вақт ичида сотиш фарази инобатга олинмаган. Таъкидлаш жоизки, қисқа вақтда активларни сотишга руҳсат этилмаган ҳолда ҳам, молиявий активларни баҳолаш модели (CAPM)га таъсири деярли йўқдир. Бизнинг фикримизча, амалиётта назар ташласак, қисқа муддатли активларни сотиш бўйича чекловлар мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин. CAPM модели дунёдаги кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан корхонанинг капитал қиймати баҳолашда молиявий активларни баҳолаш усулидан фойдаланганларидан сўнг, бозор бетаси ( $\beta$ ) капиталнинг кутилаётган даромадни тўлиқлигича ифода эта олмаслиги номоён бўлди. Жумладан, Роберт Мертон ушбу муаммони ҳал қилиш учун вақтлар оралиғидаги молиявий активларни баҳолаш ICAPM (Intertemporal Capital Asset Pricing Model) моделини яратади. Бу модел молия бозори мувозанатга эришиши учун турли вақт оралиғини инобатган олиб корхонанинг молиявий активларини баҳолайди. Мазкур моделда бета ( $\beta$ ) сони бир қўшилган кўрсаткичлар сонига тенг бўлади ва танланган вақтда корхонанинг инвестицияси бошқарилади. ICAPM модели омиллар маҳсус параметрлар орқали рискни хеджирлайди. Ўз навбатида, Р.Мертон хеджирлаш талабидан келиб чиқиб, кўп омилли регрессион моделга рисқдан олинган мукофот ва бозор портфелини ҳам қўшди. ICAPM моделида риск ва кутилаётган даромад функцияси билан ифодаланади [5]. Мазкур моделда инвестиция портфелининг ички ўзгариши ва портфел акцияларининг бозордаги қиймат тушишидан пайдо бўладиган рискнинг олдини олишга хизмат қиласиди, инвесторнинг жами портфел даромади - бу умуний бозор риски ва портфелнинг рискини хеджерланишини ифодалайди. бозор бетасининг ( $\beta$ ) вектори билан инвесторнинг жами портфели боғлиқлиги, фонд бозорининг ҳозирги ҳолати, инвесторларнинг келгусидаги режаси ва портфелни хеджерлашни аниқлайдиган кўрсаткичлардир. Ушбу модел инвесторларни бозорнинг тизимли рискини ва келгусидаги инвестициядан кутилаётган рискли омиллар таҳлилини аниқлаб беради. Р.Мертондан кейин бир - нечта олимлар унинг моделини амалиётта татбиқ қилгандар.

Маълумки ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, хусусан 1976 йилда Стивен Росс томонидан У.Шарп ва Д.Линтерларнинг молиявий активларни баҳолаш моделини янада ривожлантириб, арбитраж молиявий активлар баҳолаш назариясини АРТ (The Arbitrage Theory of Capital Asset Pricing) яратди. С. Росс ўзининг моделида

омиллар гурухидан кенг фойдаланиб, корхона капиталдан кутилаётган даромад ва омиллар гурухи риски ўртасидаги боғлиқликни ўрганди, корхонанинг активлардан кутилаётган даромадни фонд бозори билан боғлиқ бўлмаган тизимли рискларнинг таъсирини кўрсатиб берди. Бу моделнинг фаразида бозор билан боғлиқ бўлмаган рисклар ҳам корхонанинг активларни баҳолашда таъсир этувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун тадқиқотчи омиллар гурухини инобатга олиб, макроиқтисодий кўрсаткичларни корхонанинг капитал қийматига таъсирини кўриб чиқди. Ўз навбатида, С.Росс фақаттина бозор риски фонд бозоридаги корхоналарнинг активларига таъсир қилмайди, деган холосага келиб, САРМ моделига ўзгартириш киритди. С. Росс ушбу модел орқали, омиллар гурухини таҳлил қилиб, умумий таъсир этувчи омилларни танлаб олди, улар орқали эса, корхонанинг акциялардан кутилаётган даромадни келгусида қандай бўлишини аниқлаб берди. Бинобарин, С.Росснинг модели амалиётда аввалги моделларга нисбатан ўзининг ижобий жиҳатларини кўрсатди [6]. Фикримизча, амалий жиҳатдан олганда, корхоналар бўш турган пул маблағлари фонд бозорига тўғридан - тўғри инвестиция қилиши билан қаноатланмайди, балки шу инвестицияни жорий ва келгусидаги хизмат ва товарлар истеъмолидан қаноатланишни хоҳлади. Чунки, инвестиция портфели келажақда молиявий истеъмолга айланиши мумкин. 80 - йилларда фонд бозорларининг кенгайиши корхоналарни молия бозорлар орқали инвестиция қилиш ҳажмига муҳим таъсир қила бошлаб, ҳаттоқи акцияларнинг ойлик бозор даромадига таъсир қилишини кўрсатди. Бу эса, 80-йилларда Рубинштейн Бриден ва Литценбергерлар томонидан ишлаб чиқилган истеъмолга асосланган молиявий активларни баҳолаш модели CCAPM (consumption-based capital asset pricing model)нинг юзага келишига асос бўлди. Улар ўзларининг тадқиқотларида акцияларнинг бозор даромадига истеъмол сарфлари сезиларли даражада таъсир қилишини аниқлади. Бизнинг фикримизча CCAPM моделида ҳамма ўзгарувчилар инвестиция имкониятлари чизигини тўлиқ ифода этади, лекин, ушбу модельни эмпирик таҳлил қилишда кузатиш усулидан фойдаланиш бир оз қийиндир. Хорижлик олимлардан бири Д.Бриден 1979 йилдаги тадқиқотида корхонанинг портфел даромадига қараганда аҳоли жон бошига истеъмолнинг ўсиши дисперсияси активларни рисқдан олинган мукофот билан мутаносиб тарзда боғланишга эга эканлигини аниқлаб, мазкур модельни қўллаш орқали қўшимча долларнинг тўлов қиймати юқори бўлса, истеъмол пасаяди, қўшимча инвестиция қиймати паст бўлса, оқилона истеъмол юқори бўлади, деган холосани берди [7].

Э.Фама ва К.Френч тадқиқотларида молиявий активларни баҳолаш моделида илмий изланишлар олиб бориб, уч омилли молиявий активларни баҳолаш моделини яратдилар. Улар анаънавий САРМ моделига иккита қўшимча ўзгартириш киритиб, биринчиси, ўзгариш ҳажми омили, яъни компаниянинг бозордаги капитализацияси (Market equity) МЕ бўлса, иккинчиси, МЕ нисбати коэффициенти. BE (book equity) - бу акциядорлик капиталининг баланс қиймати, яъни акциядорлик капиталини баланс қийматидан имтиёзли акцияларнинг қиймат ўртасидаги фарқига tengdir. Уларинг фикрига кўра, ушбу омиллар бозордаги тизимли рискни тўғри баҳолай олади [8].

Корхонани капитал қиймати баҳолашда молиявий активларни баҳолаш усули борасида ўз тадқиқот ишларини олиб борган Н.Ф.Каримов молиявий активларни баҳолаш назариясига тўхталиб, бугунги кунда амалиётда Г.Марковиц назариясидан кўра У.Шарп назариясидан кўпроқ фойдаланганлигини таъкидлайди. Бизнинг фикримизча Г.Марковиц назарияси билан У.Шарп назарияси ўртасида жиддий принципиал тафовут йўқ. У.Шарп изланишларида Г.Марковиц назариясини янада ривожлантирган [9]. Жумладан, маҳаллий иқтисодчи олимлардан яна бири Ҳ.Қурбонов ўзининг илмий изланишида молиявий активларни баҳолаш модели “компаниянинг капитали умумий қийматни белгилашда ва унинг доирасида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари учун талаб қилинадиган даромад даражасини аниқлашда катта амалий аҳамиятга эга”, дейди [10]. Бундан ташқари, У.Бурхонов ўзининг илмий ишларида Ўзбекистон шароитида молиявий активларни баҳолашда мамлакатнинг кредит модели ҳамда сегментация ва тузатиш киритилган САРМ (Capital asset pricing model) моделидан фойдаланиш лозимлигини айтиб ўтган [10]

Бизнинг фикримизча, капитал бозорини трансформациялаш шароитида корхонанинг молия активларни конъюнктурасига таъсири қилувчи ички омилларга бозор индекси, бозордаги корхоналарнинг капиталлашуви, фонд бозори капиталлашуви ва қимматли қоғозларининг ҳажми киради. Ташқи омилларга эса, валюта айрибошлиш курси, фоиз ставкалари, саноат ўсиш индекси, инфляция даражаси, давлат облигацияларининг узоқ ва қисқа муддатли турлари ўртасидаги даромад фарқлари киради.

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқтоимизда мамлакатимиздаги “Кварц” акциядорлик жамиятини Капитални баҳолашнинг даромад ёндашуви асосида акциядорлик жамиятини хусусий капиталга олинган пул оқими учун дисконтлаш ставкасини аниқлашда капитал активларини ҳисоблаш (САРМ) усули фойдаланганмиз. Капитал активларини ҳисоблаш усули қуидаги формула фойдаланилган.

$$\text{КМАБ} = P_{\Phi} + \beta(Bd - P_{\Phi}), \quad (1)$$

Бу ерда:

КМАБ – “Кварц” АЖни молиявий активлари қиймати;

$P_{\Phi}$ - рисксиз активларнинг даромадлилик даражаси;

$\beta$  - бета коэффициенти, бу ерда:  $\beta = \frac{\text{cov}(r_i r_m)}{\sigma_m^2}$ ,  $r_i$  - акциянинг даромади;  $r_m$  - бозор даромади;  $\sigma_m^2$  - бозор даромадининг дисперсияси

$Bd$  - бозорнинг умумий даромадлилик даражаси (даромадлиликнинг бозордаги ўртача меъёри).

Юқорида кўрсатилган формула орқали “Кварц” акциядорлик жамиятини хусусий капиталга олинган пул оқими учун дисконтлаш ставкасини топилади. Ундан кейин “Кварц” акциядорлик жамиятини хусусий капитал қиймати қуидаги формула орқали топилади.

$$K_{\bar{c}} = \frac{K_{\text{ПО}_1}}{(1+DC)^1} + \frac{K_{\text{ПО}_2}}{(1+DC)^2} + \dots + \frac{K_{\text{ПО}_n}}{(1+DC)^n} \quad (2)$$

Бу ерда:

Кқ – “Кварц” АЖни хусусий капитал қиймати;  
 КЭПО- капиталдан дисконтланган эркин пул оқими;  
 ДС –капиталнинг дисконт ставкаси.

### Таҳлил ва натижалар

Акциядорлик жамияти хусусий капитали қиймати аниқлашда биринчи навбатда капитал активларни ҳисоблаш усулидан фойдаланилади. “Кварц” АЖни хусусий капиталати топиш учун капиталдан эркин пул оқимлари йиллар кесимида аниқланиб, корхонанинг хусусий капитал қиймати топилади. Шуниг ҳисобга олган ҳолда, юқоридаги формулалардан келиб чиқсан ҳолда “Кварц” АЖни капитал қийматини ҳисоблаш усулидан фойдаланган ҳолда пул оқимлари дисконд даражасини қутидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### “Кварц” акциядорлик жамиятини хусусий капиталини дисконтлаш ставкаси (2019-2023 йиллар)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й
Қайта молиялаштириш ставкаси бўйича рисксиз активлар даражаси	16	16	16	16	16
Бета ( $\beta$ ) коэффиценти	1,2	1,3	1,3	1,1	1,0
Бозорнинг умумий даромадлилик даражаси (инвестиция)	20,63	20,63	20,63	20,63	20,63
Бозор риски учун мукофот (инвестиция)	4,63	4,63	4,63	4,63	4,63
“Кварц” АЖ хусусий капиталини дисконтлаш ставкасини	21,6	22,0	22,0	21,1	20,6

1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, “Кварц” акциядорлик жамиятини капитал қиймати 2019 йилда 21,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда келиб эса 20,6 фоизга этиши кутилмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, капиталдан кутилаётган даромад 21,6 фоиз “Кварц” АЖни капиталидан инвестицияга қилинадиган харажатни фоиз миқдори ҳам кўрсатади. “Кварц” АЖни молиявий активларни рисклилк даражасини, яъни бета коэффиценти 2019 йил 1,2 бандни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 1,0 бандни ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, корхонанинг акцияларнинг бозор рисклилк даражаси юқори эканлигидан далолат беради. Бироқ, бозорнинг умумий даромадлилик даражаси 20,63 фоизни ташкил этиши мамлакатимиз бўлиши мамлакатимиз рисклилк даражасини юқори бўлиши билан боғлиқ ҳисобланади. Бозор даромадлилик даражасини юқори бўлиши “Кварц” АЖни инвестицион салоҳиятини сезиларли даражада пасайишига олиб келади. Бундан ташқари, қайта молиялаштириш ставкаси бўйича рисксиз активлар даражаси 14 фоизни бўлиши “Кварц” АЖни

<sup>1</sup> “Кварц” АЖнинг йиллик ҳисбот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган (<https://kvarts.uz/>)

капитал қийматини юқори кўрсатиб, капитални арzonлашишига ҳамда капиталдан инвестиция бўлган ҳаражатни юқори бўлишига сабаб бўлади.

Таҳлиллардан хulosса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, “Кварц” АЖни капитал қиймати йиллар кесимида кайиб бориш тенденциясига эга. Бироқ, капитал қийматни аниқлаш қайта молиялаш ставкасини рисксиз активлар ставкасини даражасида олинниши капитални қийматни ошириб кўрсатишга сабаб бўлади. Бунинг натижасида капиталдан инвестиция қилинадиган ҳаражатни ортишига олиб келади. Капиталнинг қийматини бундай ошиши мамлакатдаги рискни даражаси юқори эканлигидан далолат беради. Капитал активларни ҳисоблаш усули орқали хусусий капиталга олинган пул оқими учун дисконтлаш ставкаси аниқланиб, иккинчи кўрсатилаган формула орқали корхонанинг хусусий капитал қиймати қуидаги жадвалда кўрсатилган (2-жадвал)

## 2-жадвал

### “Кварц” акциядорлик жамиятини хусусий капитал қиймати, млдр. сўмда (2019-2023 йиллар)<sup>2</sup>

Кўрсаткичлар	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й
<b>Капиталдан дисконтланган эркин пул оқими</b>	56,6	55,4	55,4	58,2	59,7
<b>Хусусий капитал қиймати</b>	409,6	401,0	401,0	420,7	432,1

1-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, “Кварц” АЖни дисконтланган эркин пул оқимларини 2019 йилда 56,6 млрд. сўм бўлган бўлса, 2023 йилган келиб 5 фоизга ўсиши кутилмоқда. Бунган асосий сабаби шундан иборатки, “Кварц” АЖнинг 2020 йилда янги линиянинг қурилиши тугалланиши натижасида келгуси йилларда ушбу корхонанинг соф фойдасининг икки уч барорбарга ўсиши ҳисобланади. Шунингдек, 2020 йилда капиталдан дисконтланган пул оқими тушиб кетишига сабаб шундан иборатки, мамлакатимиздаги коронавирус пандемияси шиша ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилганлиги, шиша маҳсулотнинг талаби ҳамад нархини пасайганлиги, карантин даврида мамлакатимиздаги логистика тизимини узилиши натижасида эркин пул оқими пасайганлиги кузатишмиз мумкин. Бундан ташқари, акциядорлик жамиятини янги линияни қурилиш билан боғлиқ мажбуриятларини ортиши натижасида яқин келажақда корхонанинг рентабелиги пасайтиради. Бу ўз навбатида, капиталдан дисконтланган эркин пул оқимини келажақдаги йиллар учун пайсайишига таъсир қиласди. Янги линияни ишга туширилиши эса, 2023 йилга келиб, капиталдан дисконтланган эркин пул оқимини кескин ошиб кетиши кўрсатади. Янги флоат линияси йилига 22,2 миллион квадрат метргача текис шиша ишлаб чиқаради. Режаларни амалга ошириш учун шиша эритиш печининг қуввати қунига 400 тоннагача оширилади. Бундай ҳажм Ўзбекистоннинг юқори сифатли ясси ойналарга бўлган ички эҳтиёжини тўлиқ қоплаб, маҳсулотни экспортта ҳам юбориш имкониятини беради.

<sup>2</sup> “Кварц” АЖнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган (<https://kvarts.uz/>)

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “Кварц” АЖнинг хусусий капитал қиймати ортиши асоси омил бўлиб, дисконтланган эркин пул оқимини ортиши сабаб бўлади. Бундан қўриниб турибдики, акциядорлик жамиятини капитал қийматини аниқлашда дисконт ставкани ҳисобган олиш лозим. Шунингдек, дисконт ставкасини аниқлашда капитал активлар ҳисоблаш усулидан фойдаланса мақсадга мувофиқдир

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридаги олиб борилган тадқиқот натижасида асосида корхонанинг капитал қийматини баҳолашда капитал активлар ҳисоблаш (САРМ) усулидан фойдаланишга хизмат қиласиган хулоса ва таклифлармиз қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, мамлакатимиздаги корхоналарнинг капитал қийматин баҳолашда ривожланган мамлакатлар капитал баҳолаш даромад усулидан фойдаланаётган стандартларига мувофиқлаштириш лозим. Бунинг натижасида, корхоналарнинг капитал рискни камайтиришга, корпоратив бошқарув амалиётини ривожланишига, корпоратив маданиятни шакллантиришга, миллий бухгалтерия стандартларини халқаро бухгалтерлик ҳисоби стандартларини мувофиқлаштиришга, мамлакат суверен рейтингини кўтаришга хизмат қиласи.

Иккинчидан, кархонанинг капитал қийматини топишда рисксиз активлар даражасида фойдаланишда ривожланган мамлакатлар усулидан фойдаланиш мақсадга муқофик бўларди. Қайта молиялаштириш даражасидан фойдаланиш корхонанинг капиталидан кутилаётган даромада юқори даражада бўлишига олиб келиб, хорижий ва махалий инвесторларни капитал қўйилмаларни сезиларли даражада чеклашга хизмат қиласи.

Учинчидан, акциядорлик жамияти капиталини баҳолашнинг даромад ёндашуви асосида акциядорлик жамиятини хусусий капиталга олинган пул оқими учун дисконтлаш ставкасини аниқлашда капитал активларини ҳисоблаш (САРМ) усули фойдаланиш лозим. Бунинг натижасида, акциядорлик жамиятларини хусусий капиталдан кутилаётган даромад ва тизимли рискни аниқлаш ҳамда миллий баҳолаш стандартларини халқаро баҳолаш стандартлари тамоилиларига мувофиқлаштириш имкони яратилди

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль.
2. Sharpe, W. F. (1964). Capital asset prices: A theory of market equilibrium under conditions of risk. Journal of Finance, Vol.19, No.3, pp. 425–442.
3. Lintner, J. (1965). The Valuation of risk assets and the selection of risky investments in stock portfolios and capital budgets. The Review of Economics and Statistic, Vol.47, No.1, pp.13-37
4. Damodar N. Gujarati and Dawn C. Porter. Basic Econometrics, ISBN-13: 978-0-07-337577-9, McGraw-Hill/Irwin, 2009, pp-946
5. Robert C. Merton (1973). An Intertemporal Capital Asset Pricing Model. Econometrica, Vol. 41, No. 5, pp. 867-887
6. Ross, Stephen A., (1976). “The arbitrage theory of capital asset pricing”, Journal of

Economic Theory Vol.13, No.3, pp. 341-360

7.Breeden, D. (1979). An Intertemporal Asset Pricing Model with Stochastic Consumption and Investment Opportunities, Journal of Financial Economics, Vol.7, No.3, pp. 265-296.

8.Fama, E. and French, K., (1992), "The cross-section of expected stock returns". Journal of Finance, Vol. 47, No. 2 pp. 427-465

9.Н.Ф. Каримов ва Р.Х. Хожиматов.: Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011, 771-787 бет

10.Х.Курбонов "Корпоративные финансы" Тошкент "Иқтисод-Молия" 2007, с-40

11.U.Burkhanov & Kh.Khudaykulov (2013) "Investment valuation in emerging markets: opportunities & specific factors" "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 7, pp 1-9.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

